



Лаа илааха иллаллоху ваҳдаҳу лаа шариика лаҳ, Аллоҳу акбару кабиरो, валҳамдулиллаҳи касиро, субҳаналлоҳи роббилъаламин, лаа ҳавла валаа қуввата илла биллаҳил ъазизил ҳақим

Саъд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир аъробий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга келиб: «Айтиб юришим учун менга бир калима ўргатинг», – деди. «Лаа илааха иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шариика лаҳ, Аллоҳу акбару кабиро, валҳамдулиллаҳи касиро, субҳаналлоҳи роббилъаламин, лаа ҳавла валаа қуввата илла биллаҳил ъазизил ҳақим», деб айт», дедилар. «Булар барчаси Раббимга, менгачи», – деди. Шунда «Аллоҳ мени кечир, раҳм айла, ҳидоятга сол ва менга ризқ бер», – дегин», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Саҳрода яшовчи бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан зикр ўргатишларини сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга шундай дедилар: «Лаа илааха иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ» тавҳид шаҳодати билан бошладилар. Маъноси эса «Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ», деганидир. «Аллоҳу акбару кабийро», яъни, Аллоҳ барча нарсадан улуғ ва буюк. «валҳамдулиллаҳи касиро», яъни, Аллоҳнинг сон-саноксиз неъматлари, сифатлари ва ишлари учун кўпдан кўп ҳамд айтаман. «Субҳаналлоҳи Роббилъаламин», яъни, нуқсондан пок ва муқаддас бўлди. «Лаа ҳавла валаа қуввата илла биллаҳил азиизил ҳақим», яъни, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўзгариш фақатгина Аллоҳнинг тавфиқи ва ёрдами билан бўлади. Шунда ҳалиги киши: «Бу дуолар Раббимни улуғлаш ва зикр қилиш учундир. Ўзимга нима деб дуо қилай», – деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга шундай дедилар: «Аллоҳим, гуноҳларимни ўчириш ва яшириш билан мени мағфират қил. . Дин ва дунё манфаатларини менга ато этиш билан «мени раҳм айла». . Сиротул мустақимга ва энг яхши аҳволларга «мени ҳидоят қил». . Ҳалол бойлик, сиҳҳат саломатлик, яхшилик ва офият билан «ризқлантир». .

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

